

5/2023,
sentabr-
oktabr
(№ 00067)



ХУДУДЛАР БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ СТРАТЕГИЯСИ ИШЛАБ ЧИҚИШ МЕТОДИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Содиқов Авазбек Мадаминович

Ўзбекистон Миллий университети "Минтақавий иқтисодиёт ва менежмент" кафедраси профессори, иқтисод фанлари доктори

Назаров Назиржон Нарзиллоевич

Ўзбекистон Миллий университети таянч докторанти

Nazir_n_n@mail.ru

DOI: https://doi.org/10.55439/EIT/vol11_iss5/a21

Аннотация

Мақолада ҳудудлар барқарор ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқишида назариялар ҳамда минтақанинг иқтисодий, ижтимоий ва экологик жиҳатларига эътибор берилган. Навоий вилоятини барқарор ривожланиш омиллари ва иқтисодий тизим барқарорлигини ҳисоблаш индикаторлари ва стратегиясини ишлаб чиқишида йўналтирилган тизим ва механизмларни кетма-кетлиқда алгоритми ишлаб чиқилган. Шу билан бирга, барқарор иқтисодий ўсиш коэффициенти формуласи келтирилган.

Таянч сўзлар: барқарор ривожланиш стратегияси, минтақавий иқтисодиёт, стратегик режалаштириш, иқтисодий, ижтимоий ва экологик устуворлик, ҳудудлар иқтисодиёти.

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕТОДОЛОГИИ РАЗРАБОТКИ СТРАТЕГИИ УСТОЙЧИВОГО РАЗВИТИЯ РЕГИОНОВ

Садыков Авазбек Мадаминович

Профессор, доктор экономических наук, кафедра "Региональной экономики и менеджмента" Национального университета Узбекистана

Назаров Назиржон Нарзиллоевич

докторант, Национального Университета Узбекистана

Аннотация

В статье основное внимание уделяется теориям, а также экономическим, социальным и экологическим аспектам региона при разработке стратегии устойчивого развития регионов. Разработан алгоритм последовательности направленных систем и механизмов при разработке индикаторов и стратегии расчета факторов устойчивого развития и устойчивости экономической системы Навоийской области. При этом приводится формула коэффициента устойчивого экономического роста.

Ключевые слова: стратегия устойчивого развития, региональная экономика, стратегическое планирование, экономические, социальные и экологические приоритеты, экономика территорий.

IMPROVING THE METHODOLOGY FOR DEVELOPING A STRATEGY FOR SUSTAINABLE DEVELOPMENT OF REGIONS

Sadigov Avazbek Madaminovich

Professor, Doctor of Economics, Department of regional economics and Management, National University of Uzbekistan

Nazarov Nazirjon Narzullayevich

doctoral student, National University of Uzbekistan

Abstract

The article focuses on theories and economic, social and environmental aspects of the region when developing a strategy for sustainable development of Regions. In the development of indicators and strategies for calculating the Sustainable Development factors and the stability of the economic system of the Navoi region, a sequence algorithm of oriented systems and mechanisms has been developed. At the same time, the formula for the coefficient of sustainable economic growth is presented.

Key words: sustainable development strategy, regional economy, strategic planning, economic, social and environmental priority, regions economy.

Кириш

Миллий иқтисодиётда бозор муносабатларининг шаклланиши шароитида, минтақа иқтисодиётининг барқарор ривожланиши стратегиясини белгилаб олиш, умумдавлат ва минтақа даражасида ривожланишнинг назарий моделини ишлаб чиқиши объектив заруриятга айлантиради.

Ўзбекистоннинг янги тараққиёт стратегиясида ҳам айнан маҳаллий табиий-ресурс ва иқтисодий салоҳиятдан самарали фойдаланиш асосида ҳудудларни барқарор ривожлантириш, инсонларнинг фаровон яшашлари ва уларнинг муаммоларини ҳал қилиш устувор вазифа сифатида танланганлиги ҳисобланади [1].

Ушбу вазифалардан келиб чиқсан ҳолда, ҳудудларни барқарор ривожлантиришда фойдаланилмаётган резерв ва имкониятларни аниқлаш ва улардан самарали фойдаланишга қаратилган ҳудудий дастурлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш долзарб ҳисобланади. Шунга кўра, Навоий вилоятини барқарор ривожлантиришда энг аввало муҳим вазифаларни белгилаб олиш ва шунга мос такомиллашган стратегиясини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Умуман мамлакатнинг барқарор ривожланиши унинг барча минтақаларининг ўйғун равишда ривожланиши ва минтақалараро муносабатлар мувозанати билан боғлиқ. Минтақаларнинг иқтисодий ривожланишини бошқаришнинг энг самарали воситаларидан бири стратегик режалаштиришdir [2, 3].

Ҳудудларни иқтисодий ривожлантириш стратегияси - узоқ муддатли вазифаларни амалга оширишга қаратилган чора-тадбирлар тизими сифатида қаралади. Давлатнинг ижтимоий-иктисодий ривожланишида ҳудудларнинг рационал ривожланиш ҳиссаси ҳисобга олинади [4].

Минтақа ижтимоий-иктисодий ривожланишини стратегик режалаштириш - мақсадларни аниқлашда иқтисодий ва устувор йўналишларни, ижтимоий тараққиёт ва уларга эришиш йўлларини самарали амалга оширишни таъминлайди. Минтақавий

ижтимоий-иктисодий тизимнинг узоқ муддатли истиқболда фаолият кўрсатиши ўзгарувчан шароитларга тез мослашиши, ташки ва ички муҳит таъсири ҳамда аҳолининг яшаш сифатига боғлиқ [5].

Бир вақтнинг ўзида, барқарор ривожланиш стратегияси инсон цивилизацияси атрофдаги табиатни йўқ қилмайди, аксинча, унинг ривожланиш қонунларини ҳисобга олади ва олинган чекловлар ва тақиқларни ўрнатади [6, 7].

Бинобарин, стратегиялар ҳудудларнинг барқарор ривожланишига мўлжалланган бўлиб, узоқ муддатли барқарор ривожланишнинг умумий стратегияси минтақа ривожланишига унинг асосида аҳоли ҳаётининг даражаси ва сифатини оширишда, иктисолидётнинг атроф-муҳитга заарсиз ривожланишига қаратилган инновацион режадир.

Кейнс таълимотига кўра, макроиктисодий барқарорлик ва иктисолий ўсишга эришиш учун иктисолий жараёнга давлатнинг бевосита аралашуви зарур эканлиги асосий ғоя ҳисобланади. Бу таълимот вакиллари томонидан кейинчалик иктисолий ўсиш омиллари ва барқарор тараққиётга эришиш воситалари тўғрисидаги мулоҳазалар янада ривожлантирилади [8].

Гарвардлик профессор Х.Ченери, ўзининг структуравий ўзгаришлар моделида, ривожланаётган мамлакатлар ижтимоий-иктисолий тараққиётидаги умумий жиҳатларни аниқлаган [9]. Унга асосан, иктисолий фаолликнинг оғирлик маркази агарар соҳадан саноат тармоқларига ўтиши, инсон капиталининг доимий жамғарилиши, истеъмолчилар талабининг бирламчи маҳсулотлардан, турли саноат товарлари ва хизматлар томонга силжиши, шаҳарларнинг кўпайиши ва саноатнинг кенгайиши, аҳоли ва оиласар ўртача сонининг камайиши ҳамда оиласар болалар сони кўплигининг иктисолий жиҳатдан аҳамиятининг пасайиши ва сифат характеристикаси, яъни уларнинг маълумот даражаларини кўтариш масаласи биринчи ўринни эгаллаши ҳолатида кечади.

Тадқиқот методологияси

Хозирги вақтда мамлакат ва минтақалар иктисолидётни миллий иктисолидётдаги муаммоларни ҳал қилишда инновацион ёндашувларни шакллантириш асосида бозор институтларининг шаклланиши ва ривожланиши билан ажralиб турди. Бундай ёндашув тадбиркорлик субъектларини ўз фаолиятини қайта қуришда янги усул ва технологияларни ўзлаштиришга ундейди [10]. Минтақаларнинг барқарор ижтимоий-иктисолий ривожланиши ҳаёт даражаси ва сифатининг ижобий динамикасини таъминлашнинг ҳақиқий қобилияти, биринчи навбатда, ҳудудий меҳнат тақсимоти натижасида мамлакат субъекти бўлган минтақага обьектив равишда берилган ижтимоий эҳтиёжларни қондириш қобилияти билан тавсифланади; иккинчидан, ишончли такрор ишлаб чиқаришни, ички хўжалик оборотини ташкил қилиш ва маҳаллий ҳамжамият эҳтиёжларини мақбул самарадорлик билан қондириш; учинчидан, шароит яратиш (ресурс, ижтимоий, ташкилий ва бошқалар). Бу нафақат яшаш учун, балки келажак авлодлар учун ҳам муносиб ҳаёт фаолиятини кафолатлади. Бундай масалаларни ҳал қилиш зарурати одатда ривожланиш, жамоат тузилмаларини реконструкция қилиш, фан, техника ва ҳудудий ташкилотдаги катта ютуқлар даврида цикл ўзгариши даврида ортади. Шу билан бирга, амалий тажриба ва назарий тушунчалар қайта кўриб чиқилади, келажақдаги ўзгаришларнинг табиати

белгиланади, фаразлар илгари суриласди, сценарийлар асосланади, барқарорлик шакллари, унинг хусусиятлари, белгилари ва чегара ҳолатлари аниқланади [11].

Мамлакатимизнинг турли хил табиий, ижтимоий-иктисодий, турли маданий ва тарихий анъанаалари билан минтақавий (худудий) омилларни ҳисобга олмасдан ижтимоий ва экологик мұаммоларни ҳал қилишни имкони йўқ. Минтақани ривожлантириш стратегияси ва мақсадлари, яъни ижтимоий ва экологик устуворликлар аҳолининг долзарб эҳтиёжларини тўлиқ қондиришни таъминлайдиган институт сифатида ҳақиқий минтақавий иктиносидий сиёсатга боғлиқ. Минтақавий иктиносидий сиёсатнинг ижтимоий жиҳатлари ишлаб чиқариш ва иктиносидий фаолиятни амалга оширишда ижтимоий ва экологик устуворликларни амалга ошириш йўлидаги жамият тараққиётини акс эттирувчи кенг кўламли вазифаларни қамраб олади. Минтақа маблағларини ижтимоий ва экологик эҳтиёжлар учун мақсадли йўналтириш, энг аввало аҳолининг түрмуш даражаси ва сифатини яхшиламасдан туриб иктиносидий ўсишни таъминлаб бўлмайди.

Кўпгина ҳолларда минтақанинг барқарор ривожланишига фақат минтақа ўзини ўзи ташкил этувчи ва нисбатан ўзини ўзи тартибга солувчи ижтимоий-иктиносидий тизим сифатида қаралсагина минтақавий иктиносидий барқарорликка эришиши мумкин. Минтақавий иктиносидиётни ўзини ўзи бошқариш тизими сифатида тан олиш нафақат тизим элементлари ўртасидаги мувозанатни ўрнатишга, балки барқарор ривожланишнинг маълум суръатларини сақлашга қаратилган тартибга солиш ва бошқариш фаолиятига баъзи чекловларни келтириб чиқаради. Минтақавий иктиносидиётга бундай ёндашув минтақанинг барқарор ривожланишининг устувор йўналишлари ва методологиясини аниқлашга олиб келди.

Барқарор ривожланиш мақсадлари ва стратегияларини аниқлашда барқарор ривожланиш жараёнини минтақадаги барча соҳалар ривожланишида мақбул йўлларни ишлаб чиқиш ҳамда уларнинг изчиллигини таъминлаш зарурати туғилади. Шу билан бирга, мавжуд имкониятларни мустаҳкамлаш ва янги рақобат афзалликларини аниқлаш мақсадида истиқболли фаолияти ва чора-тадбирлар учун узлуксиз ҳамда барқарор изланишлар олиб бориш мақсадга мувофиқдир.

Амалдаги комплекс ижтимоий-иктиносидий ривожлантириш дастурлар ва лойиҳалар доирасида Навоий вилояти учун ўрта муддатли барқарор ривожланиш стратегияни ишлаб чиқариш ҳамда ижтимоий соҳани қайта қуриш ёки модернизация қилишга босқичма-босқич ўтиш мухум ҳисобланади. Иктиносидиётнинг реал секторини, инвестицияларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш механизmlарини шакллантириш ва такомиллаштириш ташкилотлар, хусусий ва акциядорлик корхоналари фаолиятини янада ривожлантириш каби омиллар ҳам стратегиянинг асосий мақсадларидан бири эканлигини ифодалайди. Ҳар қандай минтақа иктиносидиёти ва ижтимоий соҳасидаги инқироз ҳодисалари натижаларини бартараф этиш, иктиносидиётнинг айрим тармоқларида нафақат қисман ёки вақтингчалик барқарорликка, балки унинг барқарор ривожланишига эришиш кафолати оптимал стратегиянинг мавжудлигидир (1-жадвал).

Бундай шароитда минтақа иктиносидиёти тармоқларини тўғри устуворлаштириш айниқса долзарб бўлиб қолади. Масалан, инсоният тараққиётининг ҳозирги босқичида экологик устуворликларсиз дунёдаги ҳар қандай мамлакатнинг барқарор ижтимоий-иктиносидий ривожланиши мумкин эмас.

Таҳлил ва натижалар

Бизнинг фикримизча, стратегия ва унинг доирасида Навоий вилоятининг барқарор ижтимоий-экологик ва иқтисодий ривожланиш концепциясини ишлаб чиқишида қуидаги омилларнинг мақбул ўзаро таъсирини таъминлаш зарур.

1-жадвал

Навоий вилоятининг барқарор ривожланиш омиллари

Ижтимоий ҳолат (турмуш даражаси)	Иқтисодиёт	Экология
Жамиятда зарур истеъмол даражасини ва ижтимоий үйғунликни таъминлаш механизmlари	Барқарор иқтисодий ривожланиш механизmlари Ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги ва юқори илмий-техник даражаси Янги технологик ечимлар ва янги ускуналар	Биосферанинг барқарор ишлашини амалга ошириш механизmlари Экологик тоза технологиялар ва илгари бузилган экотизимларни тиклаш Минимал экологик таъсирини таъминлаш
Малака ва меҳнат шароитлари асосида ишчи кучини кўпайтириш		
Ишлаб чиқариш унумдорлиги ва хавфсизлигининг талаб даражасини таъминлаш	Таклиф этилаётган технологиялар ва ускуналарни иқтисодий мезонлар бўйича баҳолаш	Атроф-муҳитга таъсирини баҳолаш тартиби
Ижтимоий баҳолаш тартиби		

Манба: Жадвал таҳлилий материаллар ва илмий мақолалардан фойдаланган ҳолда муаллиф томонидан тузилган.

Айрим тадқиқотчилар барқарор ривожланишнинг иқтисодий, экологик ва ижтимоий омилларини баҳолашга асосланган усуллардан фойдаланадилар. Ҳудудларнинг иқтисодий ҳолатини, уларнинг бир-бирига нисбатан мавқеини аниқлаш ва бюджет маблағларини ажратиш тўғрисида қарор қабул қилиш мухим деб ҳисоблайдилар.

Шулардан бири И. А. Морозов иқтисодий ривожланишнинг уч даражасида барқарор ривожланиш кўрсаткичларини таклиф этади. “Давлат корхоналари, хусусий тадбиркорлик фаолияти ва оиласвий иқтисодиёт даражасидир. Бироқ, кўрсаткичларнинг бошқача гурухланиши билан уларнинг барчаси иқтисодий, ижтимоий ва экологик жиҳатдан боғлиқ бўлиши мумкин” [12].

Ҳудудларни барқарор ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқишида белгилаб олинган принциплар ва талабларни амалга ошириш, ички ва ташқи омилларни, молиявий натижаларни, молиявий-иктисодий фаолият самарадорлигини ҳисобга олиш, математик моделлар ва дастурларнинг усулларидан фойдаланишга кўра барқарор ижтимоий-иктисодий ривожланиш тушунчалари ва стратегияларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш жараёнида илмий асосланган изчиллик бунга имкон беради.

Барқарор ривожланишнинг мақбул стратегиясини аниқлаб олгандан сўнг уни амалга оширишнинг барча зарур элементларини бирлаштирган ҳолда пухта ўйланган ва ҳисобланган стратегия келажакда қолаверса бутун давлат бошқаруви тизимининг самарали фаолият кўрсатишида кафолатли хизмат қилиши мумкин. Бунда: стратегияда минтақанинг ҳозирги ижтимоий-иктисодий ҳолати, анъаналари ва тартиб-қоидалари

билин яқин алоқасини аниқлаш; ички ва ташқи мұхитдаги мүмкін бўлган ўзгаришларни аниқлаш учун назорат қилувчи ва оператив режалаштириш тизимини амалга оширишни айтиб ўтишимиз мүмкін. Юқорида айтилганларнинг барчаси асосий элементларни эътиборсиз қолдирмасдан маълум бир услугуни ривожлантириш стратегиясининг тубдан янги схемасини шакллантиришга ёрдам беради. Бундай шароитда минтақа иқтисодиёти тармоқларининг тўғри устуворлиги айниқса долзарб бўлиб қолмоқда. Масалан, дунёдаги ҳар қандай мамлакатнинг барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланиши инсоният тараққиётининг ҳозирги босқичида экологик устуворликларсиз эришиб бўлмайди.

Бизнинг фикримизча, минтақанинг барқарор ижтимоий-экологик ва иқтисодий ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш ва унинг доирасида қўйидаги омилларнинг мақбул ўзаро таъсирини таъминлаш керак. Кўпгина ҳолларда минтақанинг барқарор ривожланиш кўрсаткичларини ҳисоблашда қўйидаги индикаторлар орқали амалга оширилади. (2-жадвал қаранг).

2-жадвал

Минтақавий ижтимоий-иқтисодий тизим барқарорлигининг интеграл кўрсаткичини ҳисоблаш индикаторлари рўйхати

Иқтисодий	Ижтимоий	Экологик
<p>1.Ялпи ҳудудий маҳсулот, аҳоли жон бошига минг сўм.</p> <p>2.Саноат ишлаб чиқариш ҳажми, аҳоли жон бошига минг сўм.</p> <p>3.Асосий воситаларга инвестициялар ҳажми, аҳоли жон бошига минг сўм.</p> <p>4.Ўз.Рес.субъектларининг консолидацияланган бюджетларининг солиқ ва солиқдан ташқари даромадлари, жон бошига минг сўм.</p> <p>5.Ўз.Рес.субъектларининг консолидацияланган бюджетларида солиқ ва солиқсиз даромадларнинг улуши,%.</p> <p>6.Жўнатилган товарлар, бажарилган ишлар ва хизматларнинг умумий ҳажмида инновацион товарлар, ишлар ва хизматларнинг улуши, %.</p> <p>7.Инновация билан шуғулланувчи корхоналар улуши,%.</p> <p>8.Асосий воситаларнинг эскирганлик даражаси,%. Зарар кўрмайдиган ташкилотларнинг улуши, %;</p> <p>9.ЯХМда ички тадқиқот ва ишлаб чиқариш харажатларининг улуши, %.</p>	<p>1.Аҳоли жон бошига пул даромадларининг нисбати ва яшаш минимумининг қиймати, марта.</p> <p>2.Яшаш минимумидан паст даромадли аҳоли улуши, %.</p> <p>3.Чакана савдо айланмаси, аҳоли жон бошига сўм. Рўйхатга олинган ишсизлик даражаси, %.</p> <p>4.Аҳолининг иқтисодий фаоллиги даражаси, %. 5.Олий ва тўлиқсиз олий касб-хунар таълими билан банд бўлганларнинг умумий бандлар сонидаги улуши, %.</p>	<p>1.Ўрганилган сув намуналарининг санитария ва кимёвий кўрсаткичлари бўйича гигиеник меъёрларга мос келмайдиган солиширма оғирлиги, %.</p> <p>2.Микробиологик кўрсаткичлар учун гигиеник меъёрларга мос келмайдиган ўрганилаётган сув намуналарининг солиширма оғирлиги, %.</p> <p>3.Атмосфера ҳавосига ифлослантирувчи моддаларнинг стационар манбалардан келадиган чиқиндилари, т. 1000 кишига.</p> <p>4.Ўз.Рес. субъектлари бўйлаб шаҳарларда яшил майдонлар ва экин майдони, кв. шаҳар резиденти бошига M.</p>

Манба: Жадвал таҳлилий материаллар ва илмий мақолалардан фойдаланган ҳолда муаллиф томонидан тузилган.

Ушбу индикаторлар минтақанинг барқарор ривожланишини интеграл кўрсаткичларини ҳисоблашда иқтисодий, ижтимоий ва экологик жиҳатларини баҳолаш орқали аҳолининг яшаш шароити даражасини аниқлаш ва ҳар бир ҳудуд даражасида стратегияни ишлаб чиқишида муҳим роль ўйнайди. Ушбу индикаторлар орқали маълум бир ҳудуднинг қолаверса Навоий вилоятининг имконият ва заиф томонларини ўрганган ҳолда мақсадли ривожланиш стратегияларни қўллаш имкониятини яратиб беради.

Барқарор ривожланиш “ҳозирги ва келажак авлодларнинг эҳтиёжларини қондириш учун ижтимоий-иқтисодий муаммолар ва қулай атроф-муҳит ва табиий ресурс салоҳиятини сақлаш муаммоларини мувозанатли ҳал қилишни таъминлайдиган ривожланиш тушунилади.” Қолаверса қабул қилинган концепциямизда ҳам мамлакатимиз аҳолисининг ҳаёти ва соғлиғини сақлаш, демографик муаммоларни ҳал қилиш, жиноятчилик, қашшоқликка қарши курашиб, истеъмол таркибини яхшилаш ва аҳоли даромадларининг фарқланишини камайтиришга қаратилган чора-тадбирлар мажмую амалга оширилади. Ушбу чора-тадбирларни амалга оширишда муваффақият қозонишнинг муҳим шартларидан бири – “марказ-ҳудудлар” ҳамкорлигининг яхши йўлга қўйилган тизимини яратишда бўлди.

Миллий иқтисодиётда бозор муносабатларининг шаклланиши ва ривожланиши шароитида мамлакат таркибига кирувчи минтақалар ижтимоий-иқтисодий ривожланиши тенденциялари, уларнинг иқтисодий тараққиёт даражалари ўртасидаги тафовут ва минтақа иқтисодиёти барқарор ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Хорижий ва мамлакатимиз иқтисодчи олимларининг минтақа иқтисодиётининг самарадорлиги ва иқтисодий ривожланиш даражасини аниқлаш, иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг интеграл кўрсаткичлари тизимини ишлаб чиқишга доир тадқиқотлари талайгина. Аммо, минтақа иқтисодиётининг барқарор ривожланишини аниқлаш ва мезонларини ишлаб чиқиш билан боғлиқ тадқиқотлар жуда кам бўлиб, уларда ҳам мамлакат миқёсида барқарорликни таъминлашга оид фикр-мулоҳазалар келтирилган. Шу жиҳатдан минтақанинг барқарор иқтисодий ривожланишини аниқлашнинг услубий ёндашувини ишлаб чиқиш ва мезонларини аниқлаш долзарб аҳамият касб этади.

Минтақа иқтисодиётининг барқарор ривожланишини аниқлашнинг услубини ишлаб чиқиш, албатта, бугунги кунгача иқтисодий таълимотда шаклланган методологик ёндашувларга асосланиши ва уларга таяниши лозим. Минтақа иқтисодиётининг барқарор ривожланишини аниқлаш унинг самарадорлиги ва иқтисодий ривожланиш даражасини аниқлаш услублари билан узвий боғлиқ. Фақат юқорида таъкидлаб ўтилган услубий ёндашувларда кўрсаткичлар бир йил ичидаги маълумотлар асосида ҳисобланса, минтақа иқтисодиётининг барқарор ривожланиши эса, камида 3-5 йиллик маълумотлар негизида аниқланиши керак.

Ушбу вазифаларнинг амалга оширилиши бозор иқтисодиётига ўтаётган мамлакат минтақаларида барқарор иқтисодий ривожланиш моделига ўтиш имконини яратади. Минтақада иқтисодиётининг барқарор ривожланиши моделига ўтиш шарти бўлиб, иқтисодий жараёнларни маълум давлат томонидан бошқарилишига эришиш (тартибга солиш), ижтимоий-иқтисодий вазифаларнинг ечимини таъминлаш ва кўп укладли иқтисодиётни амал қилиши ва динамик ривожланишини кафолатлаш,

буғунги ва келажак авлод әхтиёжларини қондириш мақсадида ташқи мұхитни сақлаш ва бошқа мұаммолосын қал қила олиш даражасындағы әртүрлі қысметтердегі әртүрлі мәндердің қарашасынан жарияланады.

Шу мұносабат билан миллий ва мінтақавий даражадаги барқарор ривожланиш ижтимоий-иктисодий вазиятни барқарорлаштириш, иктиносидиёттің комплекс ривожланишини мустаҳкамлаш да үсиш нұқталарини яратыны талаб қиласы.

Мінтақа иктиносидиёттің барқарор ривожланишини қуйидегі күрсаткыш натижалари орқали ифодалашымыз мүмкін. Энг аввало мінтақа иктиносидиёттің мұхим ривожланишини ифода этувчи барқарор иктиносидий үсиш коэффициенті формуласын қуйидегі ифодалаймиз.

$$K_{б.үс} = \sqrt[n]{K_1 K_2 K_3 \dots * K_n} \quad (1)$$

$K_{б.үс}$ - барқарор үсиш коэффициенті;

бунда,

$K_{1,2,3,n}$ - мұайян мінтақа иктиносидиёты, саноати ёхуд бошқа тармоқларининг ўтган йилга нисбатан үсиш коэффициентлари.

Ушбу күрсаткыш мұайян вақт оралиғида мінтақа иктиносидиётінде мұхим құшымча үсиш суръатини күрсатып беради. Бу күрсаткыш мінтақа иктиносидиёты ўртача үсиш суръатидан фарқ қиласы. Иктиносидий мінтақа иктиносидиёттің ўртача үсиш коэффициенті формула күрнешінде қуйидегіча ифодаланады.

$$K_{\bar{p}} = \frac{K_1 + K_2 + K_3 + \dots + K_n}{n} \quad (2)$$

Мінтақа иктиносидиёттің ўртача үсиш коэффициенті, тақдил қилинаётган вақт оралиғидегі иктиносидий үсиш суръатларининг ўртачасын аниқлаб берса, барқарор иктиносидий үсиш коэффициенті эса, дастлабки иктиносидий үсиш күрсаткышынан иккінчесінинг, унга нисбатан эса кейингисининг мұхим үзгаришини ифода этады.

Үндан ташқари, мінтақа иктиносидиёттің барқарор ривожланишини ифода этувчи күрсаткыш сифатыда мутлақ барқарорлық коэффициентини тавсия этамиз.

$$K_{м.б.} = \frac{K_{\bar{p}}}{K_{\bar{p}}} \quad (3)$$

ёки

$$K_{м.б.} = \frac{K_{\bar{p}}}{K_{б.үс.}}$$

$$K_{м.б.} = \frac{K_{\bar{p}}}{K_{\bar{p}}}$$

Бунда, $K_{м.б.}$ - мутлақ барқарорлық коэффициенті.

$K_{\bar{p}}$ - өнг катта үсиш коэффициенті;

$K_{б.үс.}$ - өнг кичик үсиш коэффициенті;

$K_{\bar{p}}$ - ўртача үсиш коэффициенті;

$K_{б.үс.}$ - барқарор үсиш коэффициенті;

Ушбу күрсаткыш, башорат қилинаётган давр учун мінтақа иктиносидиётида әришилиши мүмкін бўлган натижада сифатида қаралади. Унда иктиносидиётда әришилиши мүмкін бўлган натижада сифатида тақдил этилаётган давр ичидаги өнг кичик күрсаткыш асос қилиб олинади. Мінтақа иктиносидиётида әришилган өнг кичик натижанинг ўртача үсиш ёки барқарор үсиш ёхуд өнг катта үсиш коэффициентларига нисбати мутлақ барқарорлық индексини ифодалаб беради. Мазкур күрсаткыш 1 соңдан кичик бўлиб, унга қанчалик интилса, у шунчалик барқарорлигини

ифодалайди. Биз тадқиқотимизда мутлақ барқарорлик коэффициентини ҳисоблашда энг катта ва энг кичик ўсиш суръатлари нисбатидан фойдаланамиз.

Минтақа иқтисодиётидаги барқарорликни ифодалаш, ҳудуд бўйича ўртача иқтисодий ўсиш билан иқтисодий ўсишдаги ўзгаришлар суръати (яъни оғиш коэффициенти) ўртасидаги муносабатни кўрсатишни тақозо этади. Бунинг учун, минтақадаги иқтисодий ўсишнинг оғиш суръатини ҳисоблаш зарур бўлади. Оғиш коэффициенти- минтақа иқтисодиётидаги бирон бир макро кўрсаткич бўйича модулда иқтисодий ўсишнинг ўртача суръатидан, ҳар бир йил учун иқтисодий ўсиш суръати натижасини айриш, сўнгра чиқсан натижалар йиғиндинсини таҳлил этилаётган йиллар сонига бўлиш орқали ҳисобланади.

$$K_o = \frac{K_{\bar{o}} - K_1 + K_{\bar{o}} - K_2 + K_{\bar{o}} - K_3 + \dots + K_{\bar{o}} - K_n}{n} \quad (4)$$

K_o-оғиш коэффициенти

Юқоридаги формулада ифода этилган коэффициент барқарор иқтисодий ривожланишдаги оғишни ифодалаб берувчи кўрсаткич бўлиб, индекс кўрсаткичи 1 сони билан барқарорлик коэффициенти орасидаги фарқни кўрсатиб беради. Ушбу фарқнинг катта ёки кичикилиги иқтисодиётнинг барқарор ривожланишида салбий ёки ижобий силжиш мавжудлигини ифодалайди.

Оғиш коэффициентига тескари коэффициент, яъни барқарорлик коэффициентини формула кўринишида қўйидагича ифодалаймиз.

$$K_{b.k.} = 1 - K_o \quad (5)$$

K_o-оғиш коэффициенти

Бундан ташқари минтақа иқтисодиёти, саноат ва бошқа тармоқларида эришилиши мумкин бўлган натижани аниқлаш учун барқарорлик медиан коэффициентидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. У муйян вақт оралиғида иқтисодий минтақа иқтисодиётида кечеётган ўсиш суръатларининг индекс кўрсаткичини ўсиб бориш тартибида жойлаштиришни ва улар орасида медиана (оралиқ кўрсаткич)ни аниқлашни талаб этади. Агар таҳлил этилаётган йиллар жуфт бўлиб, медиана икки кўрсаткичдан иборат бўлса, унда мазкур кўрсаткичларнинг ўртачаси ечим ҳисобланади. Барқарорликнинг медиана кўрсаткичи ўртача ўсиш ва барқарор ўсиш коэффициентларидан фарқли ўлароқ, бизнинг назаримизда, натижани аниқ белгилаш имкониятини беради. Мисол учун, жорий йилда минтақанинг иқтисодий ўсиш кўрсаткичи бирор йирик обьектнинг ишга туширилиши ёхуд ўтган йилги етиширилган пахта толасининг жорий йилда сотилиши ҳисобида ёки бошқа сабаблар натижасида юқори кўрсаткичга тенг бўлса, бу таҳлил этилаётган даврдаги ўртача ўсиш кўрсаткичининг кўтарилишига сабаб бўлади. Бу эса реал воқеъликни очиб бермайди. Шунинг учун таҳлил давомида барқарорликнинг медиан коэффициенти кўрсаткичидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. У қўйидагича аниқланади.

K₁, K₂, K₃.....K_n лар ўсиб бориш тартибида жойлаштирилади. Айтайлик улар қўйидаги кўринишини олган бўлса,

K₂, K₄, K₅, K₁ ва K₃ унда медиан кўрсаткичи K₅ индексига teng бўлади. Таҳлил давомида олинган бир нечта натижалар асосида ягона, яъни интеграл хulosавий натижা чиқарилади. Унга асосан, минтақанинг барқарор ривожланаётганлиги ёки тараққиётда акс ҳолат юз бераётганлиги аниқланади.

Иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштиришга йўналтирилган макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш, иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш бўйича институционал ва таркибий ислоҳотларни давом эттириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантириш, ҳудудлар, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ҳолда ижтимоий-иқтисодий тараққий эттириш, инвестициявий муҳитни яхшилаш орқали мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларига хорижий сармояларни фаол жалб этиш.

Мамлакатимизнинг минтақаларини барқарор ривожлантиришнинг узоқ муддатли стратегиясига нисбатан ишлаб чиқилган методологияга мувофиқ, стратегик объектнинг хусусиятидан қатъи назар, янги стратегияни шакллантириш ёки амалдаги стратегияни янгилаш йўлидаги биринчи қадам турли хил миқёсдаги доминант ва етук тенденцияларни аниқлаш ва мунтазам равишда ўзгаришларни кузатиб бориш зарурлигини исботлайди. Бундан ташқари, барқарор ривожланаётган тенденциялар ва имкониятларни излаш, топиш ва ҳар томонлама таҳлил қилиш, сўнгра ишлаб чиқилаётган стратегияда кўриб чиқиш учун стратегиялаш объектига нисбатан энг долзарбларини танлаш, нафақат стратегияни ишлаб чиқиш жараёнидан олдин, балки бутун стратегиялаш жараёнини доимий равишда кузатиб бориш зарурлигини англатади. Бу эса тўлиқ ва узоқ муддатда, вақти-вақти билан амалга оширилган стратегияни қайта кўриб чиқиш ёки ўзгартеришни билдиради. Нега деганда, турли хил омиллар таъсирида имкониятлардан тўлиқ фойдалана олмаслик ҳамда эътиборсизлик туфайли, таҳдид ёки белгиланган мақсадларга эришиш йўлида жиддий муаммолар бизнинг мақсадларимизга эришишга тўскىнлик қилиши мумкин.

Барқарор ривожланиш стратегияси минтақани барча таркибий қисмларининг самарадорлигини оширишга қаратилган ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий стратегияси сифатида тушунилиши керак.

Минтақани барқарор ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш илмий, услубий ва амалий ишларни, ушбу муаммони ҳал қилишга йўналтирилган тизим ва механизmlарни мужассамлашган ҳолда тадбиқ қилишни талаб қиласди. Ушбу мураккаб процедура маълум бир кетма-кетлиқда амалга оширилган босқичлардан иборат алгоритм шаклида тақдим этилган.

1-босқич. Аналитик. Иқтисодий барқарорликка таъсир қилувчи минтақавий ресурсларни таҳлил қилиш ва баҳолаш: демографик ресурслар; иқтисодий ресурслар; табиий ресурслар; ишлаб чиқариш ресурслари; меҳнат ресурслари; инфратузилма компоненти; минтақалараро (экспорт-импорт) ресурсларини айтишимиз мумкин.

2-босқич. Баланс. а) маҳаллий ресурсларни ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этиш нуқтаи назаридан баҳолаш: мавжуд ресурсларни баҳолаш; фойдаланилган ресурсларни баҳолаш; минтақа иқтисодиётини ривожлантириш захираларини баҳолаш;

б) минтақавий ривожланишнинг ресурс балансларини тузиш: табиий ресурслар баланси; энергия истеъмоли баланси; даромад баланси, бюджет нархлари даражаси, инвестициялар; экспорт-импорт баланси; демографик мувозанатдир.

3-босқич. Барқарор ривожланишнинг устувор йўналишларини ишлаб чиқиш. Барқарор ривожланишнинг динамик салоҳиятини баҳолаш: энергия хавфсизлиги; демографик барқарорлик ва ўсиш; аҳоли даромадларининг ўсиши; минтақанинг субсидияланмаган фаолияти; экологик стандартларга риоя қилиш; энергия мустақиллигини ошириш; минтақанинг субсидияланмаган ривожланишига ўтиш йўлидаги асосий тармоқларни ривожлантиришнинг устуворлиги; ишлаб чиқаришнинг ўсиши рақобатбардош ва хизматлари киради.

4-босқич. Минтақанинг барқарор ривожланишини бошқариш ва маркетинг. Барқарор ривожланишни бошқариш чораларини ишлаб чиқиш: давлат-маъмурӣ чораларни ишлаб чиқиш; иқтисодий чоралар; янги инвестиция мухитини яратиш кабилар.

5-босқич. Барқарор ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш. Барқарор иқтисодий ўсишнинг узоқ муддатли стратегиясини ишлаб чиқиш: барқарор иқтисодий ўсиш мезонларини аниқлаш; кўрсаткичлар тизимини асослаш (прогноз ва режалаштирилган); тренд прогнози ўрин эгаллади.

Минтақа иқтисодиётини ривожлантириш учун бир қатор стратегик йўналишларни аниқлаш керак: инерцион, эволюцион ва сафарбарлик. Амалиёт таҳлили ва ҳудудларнинг ижтимоий-иктисодий салоҳиятини иқтисодий баҳолаш уларнинг барқарор ижтимоий-иктисодий ривожланишини таъминлаш учун ушбу соҳаларни бирлаштириш зарурлигини кўрсатади. Минтақанинг тарихан шаклланган ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиш инерцияси минтақалар иқтисодий тизимларининг барқарорлиги учун асос бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг аксарият минтақаларининг таркибий потенциалининг мухим ҳолати ва ишлаб чиқариш ва истеъмолнинг ўсиши учун ички захираларнинг мавжудлиги уларни сафарбар қилишни талаб қиласди, турмуш даражасини яхшилашни қўллаб қувватлади.

Мухим минтақавий хусусиятларга эга бўлган барқарор ривожланиш концепцияларини самарали амалга ошириш механизми мамлакатнинг барча минтақалари учун умумий бўлган баъзи таркибий қисмларни назарда тутади: давлат бошқаруви ва стратегик тармоқларни қўллаб-қувватлаш тизими; билвосита рағбатлантиришнинг турли шакллари ва манбалари; инновация ва инвестиция салоҳиятини максимал даражада рағбатлантиришдир.

Минтақавий сиёsat, барча хилма-хиллиги билан, давлат стратегиясининг ажralmas қисми бўлиши керак ва иқтисодий кўрсаткичлар ва стандартлар билан ишлаш учун муваффақиятли расмий қоидаларнинг таъсири иқтисодий ривожланиш ва ўсишнинг чегара қийматлари бўлиши керак.

Хулоса ва таклифлар

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, ҳозирги вақтда Навоий вилоятида ишлаб чиқаришнинг экологик тоза тармоқларини яратиш бўйича аллақачон сезиларли тенденциялар мавжуд; ишлаб чиқаришнинг янги техникаси ва жараёнларидан фойдаланиш; сувсиз (ёпиқ циклли) тизимлардан фойдаланиш; чиқиндиларни қайта ишлашни маълум бир даражаларига эришиш кўзга тутилган.

Шу ўринда атроф-муҳитни бошқариш ва муҳофаза қилишнинг самарали иқтисодий механизмини шакллантириш ресурсларни тежайдиган тармоқларни яратишга туртки бўлади. Кўп сонли назарий ва амалий илмий тадқиқот ишлари

барқарор ривожланишга бағишенгандын. Бирок, уларни вилоятда амалда татбиқ этишгө кам эътибор қаратилмоқда.

Шу билан бирга, барқарор ривожланиш масалалари республика даражадаги расмий ҳужжатларда бироз ўз аксини топган бўлса-да, минтақавий даражада улар деярли акс этмайди ва қониқарсиз ўрганилмоқда. Шунинг учун Навоий вилояти учун барқарор ривожланишга ўтишнинг минтақавий жиҳатларини, шу жумладан демографик, ижтимоий, иқтисодий ва экологик мұаммоларни ҳал қилиш жуда муҳимдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёти стратегияси тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони 2022 йил 28 январь ПФ-60 18 б.
2. Галачиева С. В. Стратегическое планирование устойчивого развития региона // Региональная экономика: теория и практика. 2010. № 21 (156). С. 13—18.
3. Сергеев И. Б. Региональное стратегическое планирование в условиях укрепления федеративных отношений / И. Б. Сергеев, Л. В. Ларченко // Проблемы современной экономики. 2004. № 1—2. URL: <http://www.m-economy.ru/art.php?nArtId=419>.
4. Региональная экономика: учебник / под ред. В. И. Видяпина, М. В. Степанова. М.: ИНФРА-М, 2002.
5. Ускова Т. В. Управление устойчивым развитием региона: монография / Т. В. Ускова. Вологда: ИСЭРТ РАН, 2009.
6. Основные положения стратегии устойчивого развития России / под ред. А. М. Шелехова. М., 2002.
7. Тяпухин А. П. Сущность, состав и эволюция системы управления устойчивым развитием региона / А. П. Тяпухин, А. Т. Раимова // Национальные интересы: приоритеты и безопасность. 2009. № 19 (52). С. 21—29.
8. Р.Харрод, Дж.Робинсон, Дж.Б.Кларк, Е.Домар и др.
9. Hollis B.Chenery, Structural Change and Development Policy (Baltimore, MD.: Johns Hopkins University Press, 1979); Handbook of Development Economics, vol. 1 (Amsterdam: North Holland, 1989), pp. 205-273
10. Khasueva, A. Sh. (2012). Sustainable development of the region in the context of an oil and gas enterprise. Scientific and economic journal. Problems of economy and management of the oil and gas complex, 2, 7–10.
11. Yusupova, A. Sh., & Gapaeva, S. U. (2018). Regional strategies for improving the effectiveness of state support for the industrial sector of the economy. Problems of economy and management of oil and gas complex, 5, 5–10.
12. Морозов И.А. Экономические показатели устойчивого развития и оценка ситуации в северо-западных регионах России // Проблемы современной экономики. № 4 (24). [Электронный ресурс]. URL: <http://www.m-economy.ru/art.php?nArtId=1683> (дата обращения: 28.11.2013).